

Muslim R. ATAEV,
*Doctoral Student of the
 International Islamic Academy of Uzbekistan,
 Candidate of Historical Sciences.
 A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
 E-mail: Sulaymon200774@Yandex.com*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-3/9

**УСТРУШАНА МИНТАҚАСИДА
 ГЕОГРАФИК-ХУДУДИЙ
 БИРЛИКЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ
 ЖАРАЁНЛАРИ: ШАҲАРЛАР ВА
 ҚАСАБАЛАР**

**PROCESSES OF FORMATION OF
 GEOGRAPHICAL-TERRITORIAL UNITS
 IN USTRUSHANA REGION:
 CITIES AND TOWNS**

**ПРОЦЕССЫ ФОРМИРОВАНИЯ
 ГЕОГРАФО-ТЕРРИТОРИАЛЬНЫХ
 ЕДИНИЦ УСТРУШАНСКОГО РАЙОНА:
 ГОРОДА И СЕЛА**

КИРИШ

Уструшана Марказий Осиёнинг қадимги минтақаси сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида чуқур из қолдирган. Қадимда Уструшана аҳолиси суғдлардан иборат бўлиб, ўзи ҳам Суғднинг бир қисми ҳисобланган. Антик ва Ўрта асрларда ушбу минтақанинг муҳим маънавий мероси кўплаб тарихий муаммоларни ҳал қилишда асосий манба бўлиб хизмат қиладиган шаҳарлар, аҳоли манзилгоҳлари, моддий ва маънавий маданият ёдгорликлари, географик объектларнинг номлари ҳисобланади. Уструшананинг топонимлари аҳолисининг култлари, мифологиялари ва маросимларини ўзида аниқ акс эттиради.

Уструшана топонимларини ўрганар эканмиз, аввало, ҳудуд тарихи, аҳоли турмуш тарзи ва маданияти билан тўқнашамиз. Уструшана топонимлари бир-бирига боғлиқ бўлган бир қанча тарихий қатламлардан, жумладан, қадимги Эрон, Суғд ва тожик ҳамда туркий тиллардан иборат. Улар аҳолининг ҳудудни номлашга бўлган эҳтиёжи туфайли маълум бир ҳудудда турли хил тарихий босқичларда пайдо бўлган. Улар ушбу аҳоли пунктининг табиий шароитлари, эътиқодлари ва менталитетини

акс эттиради. Минтақанинг географик номлари микротопонимия босқичида пайдо бўлган ва географик харитага кириб, топоним мақомини олган ва ягона тизимга – Уструшана топонимиясига киритилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Уструшана минтақасининг географик жойлашуви, шаҳар ва қишлоқлари, аҳолиси, унинг турмуш тарзи, моддий ва маданий ҳаёти, тўғрисида юнон-рим даври асарлари, хитой йилномалари, суғд битиклари ва араб тарихчи-географларининг солномаларидан мавжуд шаҳар ва қишлоқ манзиллари ҳақидаги маълумотларни бир-бир йиғиб олиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги Уструшанадаги шаҳар ва қишлоқлар ҳақида мухтасар фикрлар, йўл-йўлакай айтилган хабарлар тарзида келади.

Замонавий олимлардан шарқшунос В.Бартольд, меъморий санъат тарихчилари С.Хмельницкий, В.Лившиц, А.Билалов, Н.Бичурин, археологлар Л.Ошанин, А.Грицина, Н.Немцева, Н.Негматов М.Пардаев ва Ж.Ғофуров, Р.Авзалов, П.Самойликлар, С.Марафиев ва Н.Москаленко, Е.Салтовская, С.Поляков ва А.Мирбобоев, Н.Турсунов, Л.Сверчков, Д.Абдуллаев, Б.Тўйчибоев, Ф.Тошбоевлар томонидан Уструшана тарихи, мазкур ҳудуд топографияси каби масалалар юзасидан бирмунча маълумотлар билдирилади. Шунингдек, илмий адабиётларда Уструшана ҳудудга тегишли топономик атамалар, уларнинг ўрни, суғориш иншоотлари, шаҳар ва рустоклар¹ ҳақида маълумотлар мавжуд (Ҳайдаров Ҳ., 1992). Ўрта асар араб манбаларида Уструшана минтақаси турлича ёзилганини кўриш мумкин. Бу жой номи Асрушана ёки Ашрусана, Осрушана, Асрусим, Аншурсана, ёки Сутрушана, Сурушана, Шурусана, Шурушана, Асрус, Асрушанат шаклида ҳам учрайди (Бартольд В.В., нашр йили кўрсатилмаган). Шунингдек, А.Г.Малявкин илк

¹ Русток (форс.-қишлоқ) – Ўрта Осиё, Эрон ва қисман араб мамлакатларида қўлланилган тарихий-географик тушунча. Қишлоқ, шаҳар, овул, бозор, ўзлаштирилган ўлка, ўтроқ аҳоли яшайдиган жой, экин майдони, ободонлаштирилган шаҳар каби маъноларга эга. Ўрта Осиё ва Эрон мўғуллар томонидан истило этилган, Русток ўрнига “туман” атамаси қўлланила бошлаган.

Аннотация. Мақолада қадимги Устуришана минтақасининг географик жойлашуви ҳамда Устуришана атамасининг келиб чиқиши ва маъноларига доир тадқиқотлар олиб борилган.

Устуришана ва унинг чегаралари ҳақидаги маълумотлар IX–XI асрларга оид араб географларининг асарларида келтирилган. Ўрта аср араб тарихчи-географларнинг асарларида Устуришана шаҳар ва рустоқлари кенг ёритилган бўлиб Устуришана Самарқанднинг олди ва Сайхун дарёсининг қуйи қисмида жойлашган катта бир минтақа бўлиб Бунжикат, Арсубоникат, Куркат, Ғазак, Фағкат, Собот, Зомин, Дизак, Нўжкат, Харқона каби бир қанча кичик шаҳарчалардан ташкил топган. Тадқиқотда ҳам Устуришананинг айни мана шу шаҳарчаларига урғу берилиб, уларнинг аҳолиси ва жойлашуви борасида манбалар асосида муҳим маълумотлар берилган.

Илк ўрта асрларда жаҳон бозорида Дизакда тайёрланган жун ва тери маҳсулотларига талаб катта бўлган. VIII–IX асрларда кулолар, заргарлар, аравасозлар каби маҳаллаларнинг мавжудлиги миллий ҳунармандчиликнинг ривожланганидан дарак беради.

Шунингдек, Ўрта аср тарихчи-географлари Устуришанани “400 қалъали ўлка” сифатида тилга оладилар. Бу қалъалар ўлканинг кўплаб мўъжаз воҳалари негизда ташкил топган рустоқларни ҳимоя қилиши мақсадида стратегик жиҳатдан қулай бўлган нуқталарга қурилиб, ўзига хос мустаҳкам мудофаа тизимини ташкил этган.

Калим сўзлар: Устуришана, Бунжикат, Ғазак, Фағкат, Зомин, Дизак, Панжикент, Собот, Фарҳоана, Хўжанд, Сомонийлар, Буюк ипак йўли. Abstract.

Abstract. The geographical location of the ancient Ustrushana region and the origin and meanings of the term Ustrushana were studied in the article.

Information about Ustrushana and its borders is given in the works of Arab geographers of the 9th-11th centuries. The cities and villages of Ustrushana are widely covered in the works of medieval Arab historians and geographers. Ustrushana is a large region located in front of Samarkand and the lower part of the Sayhun River, consisting of several small towns such as Bunjikat, Arsubonikat, Kurkat, Ghazak, Faghkat, Sobot, Zomin, Dizak, Nujkat, and Kharkona. The study also focuses on these towns of Ustrushana and gives important information about their population and location based on sources.

In the early Middle Ages, wool and leather products made in Dizak were in great demand on the world market. In the 8th-9th centuries, the presence of such neighborhoods as potters, jewelers, and charioteers indicates the development of national crafts.

Also, medieval historians and geographers mention Ustrushana as “the land of 400 castles”. These forts were built at strategic points to protect the settlements formed at the base of many wonderful oases of the country, forming a strong defense system.

Keywords. Ustrushana, Bunjikat, Ghazak, Faghkat, Zomin, Dizak, Panjikent, Sobot, Kharkona, Khojand, Samanids, the Great Silk Road.

Аннотация. В статье изучено географическое положение древнего Устуришанского региона, а также происхождение и значение термина Устуришана.

Сведения об Устуришане и ее границах приведены в трудах арабских географов IX–XI веков. В трудах средневековых арабских историков и географов Устуришана описывается, как широко раскинувшийся одноименный город и пригороды, регион, который находился под Самаркандом, в устье реки Сайхун, и включал себя множество малых городов, как Бунджикет, Арсубаникет, Куркат, Газак, Фахкет, Сабат, Заамин, Дизак, Нуджкет, Харкона и др. широко освещены города и села Устуришаны, состоящие из городов. Исследование также фокусируется на этих городах Устуришаны и дает важную информацию об их населении и местонахождении на основе источников.

В раннем средневековье изделия из шерсти и кожи, изготовленные в Дизаке, пользовались большим спросом на мировом рынке. На развитие национальных ремесел в VIII–IX веках указывает наличие кварталов гончаров, ювелиров, возчиков.

Также средневековые историки и географы упоминают Устуришану как “страну 400 замков”. Эти форты были построены в стратегических точках, чтобы защитить поселения, образовавшиеся у подножия многих чудесных оазисов страны, образуя мощную оборонительную систему.

Ключевые слова: Устуришана, Бунджикет, Газак, Фахкет, Заамин, Дизак, Панджикент, Собот, Фарҳоана, Ходженд, саманиды, Великий шелковый путь.

ўрта аср хитой ёзма манбалари асосида ҳудуднинг Шуайдушана, Судуйшона, Цзебуцзюйна (Цзебудана), Судушина, Суйдушана, Кобугюйна, Судучжини тарзида номланганини ҳам эътироф этади (Малявкин А.Г., 1989).

Устуришана топонимиясига оид муҳим манба Муғ тоғи ва Чилхужра қалъасидан олинган Суғд ҳужжатларидир. Ушбу ҳужжатларда 50 дан ортик географик номлар, шу жумладан минтақа ва Устуришананинг қадимий манзилгоҳлари ном-

МУҲОКАМА

лари мавжуд. Мазкур ҳужжатлар В.А.Лившиц тадқиқотининг мавзусига айланди. Ушбу ҳужжатлардан олинган маълумотларга асосланиб, у биринчи бўлиб мамлакат номининг ҳақиқий имлоси ва талаффузини баён қилди. Тадқиқотчи В.А.Лившиц томонидан мамлакат Уструшана, Н.Н. Негматов томонидан эса Усрушона деб талкин қилинган. Ўз РФА ШИДа сақланаётган Маждуддин Уструшаний асарларининг қўлёзмалари синчиклаб ўрганилиши натижасида бу минтақани В.А. Лившиц таъкидлаганидек, “Уструшана” (أستروشنه) шаклида ўқишни тўғри деб ҳисоблаш мумкин.

Ўрта Осиё халқларининг илк ёзма манбаси “Авесто”да, Эрон шоҳларининг битиклари, қадимги юнон ва рим тарихчиларининг асарларида ҳам Ўрта Осиёнинг кўчманчи чорвадорлари ҳақида турли хил маълумотлар берилган. Айни пайтда Уструшанада барча томондан кўчманчилар дашти билан чегарадош шаҳарлар ҳам мавжуд бўлган. Тадқиқотчи К.В.Тревернинг таъкидлашича, Уструшананинг ҳудуди бактрияликлар еридан то Сирдарё жанубида яшаган суғд эллар қабиласининг еригача бўлган ўн иккита вилоятни ўз ичига олган. Эллар (Птолимай бўйича аугалар) Сирдарё жанубида яшаган қабилалар бўлиб, В.В.Струве уларни тоғлик уструшаналикларнинг аждоди, деб таърифлайди.

Уструшана ва унинг чегаралари ҳақидаги маълумотлар IX–XI асрларга оид араб географларининг асарларида келтирилган. Абу Саъд Самъоний: “Уструшана Самарқанднинг олди ва Сайхун дарёсининг қуйи қисмидаги катта бир вилоят бўлган”, деган фикрни билдиради². Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, “... Бунжикат, Арсубоникат, Куркат, Ғазак, Фағкат, Собот, Зомин, Дизак, Нужкат, Харқона – булар Уструшананинг шаҳарларидир” (Ибн Ҳавқал, 2011).

Тадқиқотчи Н.Н.Негматов ўрта асрлар тарихчи географлари маълумотларининг таҳлили асосида Уструшана рустоклари сони ва номларини аниқлашга ҳаракат қилади. Тадқиқотчининг фикрича, Уструшана рустокларининг сони 18 та бўлиб, улардан Бунжикат, Собот, Зомин, Бурнамад, Харқона, Фағнон, Ховос, Шавкат, Фағкат рустоклари текстликда жойлашган. Минғ, Асбаникат, Бискар, Бангам, Вар, Шағар, Масча, Буттам ва Бурган рустоклари мамлакатнинг тоғли ҳудудларида жойлашган (Негматов Н.Н., 1957:34–35).

² Ал-Ансоб. Ж. 1. – Б. 232.

Ўрта асрларда тоғ олди ва чўл ҳудудларида ҳамда магистрал савдо йўллари бўйлаб нисбатан катта бўлмаган шаҳарлар, аҳоли мавзелари шаклланган. Тарихий манбалар Шимолий Уструшанада Харқона, Зомин, Дизак, Куркат, Гулакандоз каби 12 та шундай шаҳарлар борлиги ҳақида маълумот беради (Буряков Ю., Грицина А., 2006:93).

Тадқиқотчи М.Ҳ.Пардаев ва Б.Б.Тўйчибоев рустоклар ҳақида қуйидаги фикрни билдирадилар: “Н.Н.Негматовнинг рустоклар сони ва номланиши масаласида билдирган фикрлари ҳозирга қадар фанда ўзгаришсиз қабул қилиниб келинмоқда. Аммо Уструшанадаги русток ва шаҳарларнинг жойлашиш ўрни масаласидаги мулоҳазалар сўнгги йилларда тадқиқотчилар ўртасида баъзи тортишувларга сабаб бўлиб келганини кузатишимиз мумкин” (Пардаев М.Ҳ., Тўйчибоев Б.Б., 2017:103).

Ўрта аср араб тарихчи-географларнинг асарларида Уструшана шаҳар ва рустоклари кенг ёритилган бўлиб, изланишларимиз натижасида тадқиқотчи Н.Н.Негматовнинг маълумотларига қўшимча равишда яна 10 та русток ва уларнинг жойлашиш ўрни аниқланди. Улар: Хушкат, Боркас, Шибла, Санжафин, Худайсар, Сурхакат, Нужоникас ёки Нужкат, Ёркас, Қатавон, Хушуфағн. Ўрта аср тарихчи-географлари Уструшанани “400 қалъали ўлка” сифатида тилга оладилар. Бу қалъалар ўлканинг кўплаб мўъжаз воҳалари негизида ташкил топган рустокларни ҳимоя қилиш мақсадида стратегик жиҳатдан қулай бўлган нуқталарга қурилиб, ўзига хос мустаҳкам мудофаа тизимини ташкил этган. Бу қалъа ва кўрғонларнинг асосий қисми илк ўрта асрларга оиддир. Бунжикат ўрта асрларда катта аҳамиятга молик экани шубҳасиз. У Уструшананинг ўрта асрлардаги пойтахтидир. Ўрта асар араб манбаларида Бунжикат шаҳрини турлича ёзилганини кўриш мумкин. Бу жой номи Бунжикат, Бунжакат, Бижкас, Бунжикас, Нумжикас, Нубанжакат Бумжакас, Бужикат шаклида ҳам учрайди (Негматов Н., 1957:29).

Абу Саъд Самъоний ва Ёқут Ҳамавийлар Бунжикат шаҳрига қуйидагича таъриф берадилар: “Бунжикат – вилоят ҳокимининг қароргоҳи, шаҳар ташқарисида эса қасрлар, боғлар, узумзор ва экинзорлар бўлиб, шаҳар атрофи хандақлар билан ўралган. Бунжикат Самарқанддан олти

фарсах масофада жойлашган бўлиб, эркак аҳолиси 20000 кишидан иборат бўлган”³.

Абу Исҳоқ Истахрий Бунжикатга шундай таъриф беради: “Бунжикат вилоят ҳоками яшайдиган шаҳар бўлиб, уйлари ёғоч ва лойдан қурилган. У ички ва ташқи шаҳардан иборат, деворлар билан ўралган. Ички шаҳарнинг икки дарвозаси бор, шаҳарнинг ичидан катта дарё оқиб ўтади. У ерда жоме масжид, бозорлар ва тегирмон ҳам бор. Шаҳар айлана деворининг атрофида бир фарсах келадиган боғлар, узумзорлар ва бир неча қасрлар бўлган. Ташқи шаҳарнинг тўрт дарвозаси: Зомин, Миросманда, Нужкет ва Қаҳалбоз дарвозаси номлари билан аталган⁴. Ташқи шаҳарда олти анҳор бўлиб, уларнинг бошланиши шаҳардан ярим фарсахдан камроқ масофада жойлашган дарёдан бошланган. Х асрда Бунжикатда 10000 эркак аҳолиси бўлиб, ички ва ташқи шаҳардан иборат ва шаҳардан дарё оқиб ўтган. Ташқи шаҳарда қамоқхона жойлашган” (Истахрий, 1927:326-327).

В.В.Бартольд ҳам юқоридаги фикрларни инобатга олиб, уларга қўшимча равишда, “Бунжикат эҳтимол Панжикент ёки Ўратепа шаҳридан 25 км. тепада, унинг жануби-шарқий тарафида жойлашган Шаҳристон бўлиши мумкин” (Бартольд В., 1963: 223–224), деган фикрни илгари суради.

Қуйидаги ёзма манбада Бунжикат, Панжикент эмаслиги ўз аксини топган. Панч ҳокимлигининг маркази бўлган Панжикентга бўйсунувчи Эскодар, Зароват, Қштут ... каби қишлоқлар кту ’βšyws – “қишлоқ оксоқоли” маъносини англатувчи унвон остидаги кишилар томонидан бошқарилган (Ғойибов Б., 2010:155).

Баъзи бир манбаларда шундай таъкидланади: “Панча (Панжикент) ҳоками Диваштич арабларга қарши қурашда ҳамкорлик қилиш, иттифоқ тузиш мақсадида ўзининг ишончли хизматчиси Фатуфарнни Уструшана, Чоч ва Фарғонага махсус топшириқ билан юборди. Фатуфарннинг ўз хожаси Диваштичга ёзган махфий мактубида Уструшана ҳукмдори ҳам-

³ Панжикент - Уструшонадаги энг катта шаҳар бўлиб, унда Уструшона ҳокимлари истиқомат қиладди. Шаҳардаги эркаклар сони йигирма мингга этади. Унинг хандаги уйлар, боғлар, узумзорлар, саройлар ва пайкаллари ўраб туради. У Самарқанддан олти фарсах масофада жойлашган. (Муъжам ал-булдон, 1/592, №2178; ал-Ансоб, 1/42).

⁴ Дарвозалари тўртта: Замин дарвозаси, Марсаманда дарвозаси, Нужкет дарвозаси ва Қаҳлобод дарвозаси.

корликка рози эмаслигини маълум қилган” (Фрейман А., 2002:176).

В.В.Бартольднинг чиқарган хулосаси қуйидаги маълумотларга асосан нотўғри деб топилди: биринчидан, Панжикент Панча ҳокимлигининг маркази бўлиб, унинг ҳоками Диваштич бўлган; иккинчидан, Шаҳристон Ўратепа шаҳридан 25 км. тепада, унинг жануби-шарқий тарафида жойлашган. Учинчидан, Ўратепа шаҳри билан Самарқанднинг ораси 200 км.дан ортиқ вақоланки, Самарқанд билан Бунжикатнинг орасидаги масофа 6 фарсах (36-48 км) бўлиши керак; тўртинчидан шаҳарнинг ташқи тўртта дарвозаси тўртта томонга қараши керак, агарда В.В.Бартольднинг хулосасига қаралса эшиклар бир томонга қараб қолади; бешинчидан, Бунжикатнинг ташқи шаҳрида мавжуд олти анҳорнинг манбаи шаҳардан ярим фарсах масофада жойлашган дарёдан бошланган; олтинчидан, шаҳарнинг аҳолиси кўп, қасрлар, боғлар, узумзор ва экинзорлар бўлган. Мазкур тарихий ва объектив далиллар асосида Бунжикатдан ярим фарсах масофадаги дарё Санзор дарёси ва шаҳарнинг ҳозирги даврдаги ўрни эса Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани деб белгиланди.

Уструшананинги иккинчи катта шаҳри Зомин (زامين) Буюк Ипак йўли устида жойлашган йирик шаҳарлардан бири бўлгани боис, ўрта аср араб манбаларида ва замонавий тадқиқотларда атрофлича ёритилган (Буряков Ю.,1994:4–17). Абу Саъд Самъоний ва Ёкут Ҳамавийлар Зомин ҳақида қуйидаги маълумотларни берадилар: “Зомин қадимда Сарасанда (سرسنده), Сусанда (سوسنده), Сабза (سبذہ) номлари билан ҳам юритилган. Зомин Фарғонадан Суғдга бориш йўлида жойлашган бўлиб, йўловчилар учун у ерда қўноқ бор. Зомин оқар сувли, боғдор ва узумзор жой. Унинг шарқи тоғлар, ғарби эса чўл билан қопланган. Шаҳар Зоминсувнинг ҳар иккала соҳилида жойлашган” (Мақдисий, 1999:277).

Зомин Уструшананинги гуллаб яшнаган энг йирик шаҳарларидан бирига айланишида сув манбаи Зоминсувнинг хиссаси катта. Шунингдек, бу ерда ажойиб яйловлар ва суғорма деҳқончилик асосида кўплаб қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга имкон берувчи ҳосилдор ерларнинг мавжудлиги ҳам бунда ғоятда қўл келган. Балки, айнан шу даврда манзилгоҳ “Зомин”, деган номни олади, бу форс-тожик тилидан таржима қилинганда “замин”, “шудгор” ёки “хайдаладиган ер” маъносини англатади (Грицина А., 2018:148).

Абу Исоқ Истахрий таъкидлашича, Зомин йириклиги жиҳатидан Уструшанада иккинчи шаҳар бўлган, у Сарсанда (سرسنده) номи билан ҳам аталган (Истахрий, 1927:343–344).

Ибн Ҳавқал шундай деб ёзади: “Катталикда Бунжикат шаҳаридан кейин Зомин туради. У Фарғонадан Суғдга қараб кетган катта йўлда жойлашган бўлиб, яна бошқа бир – Сарсанда номи билан ҳам аталар эди. Унинг ёнида харобага айланган эски шаҳар бор. Бозорлар, жоме масжидлар, шунингдек, барча аҳоли Сарсандага кўчиб ўтганди. Янги қурилган биноларнинг атрофи девор билан ўралмаган. Зомин Суғддан Фарғона томон оқиб борувчи барча саёҳатчилар учун бекат вазифасини ўтарди. У боғу роғлар, узумзорлар, ҳайдалган ерлар ва Шош дарёсидан оқиб келувчи зилол, лаззатли сувларга бой эди. Шаҳарнинг орқа қисми Уструшана тоғларига қараган бўлиб, олд қисми тоғлардан ҳоли, дашту биёбондан иборат ғузлар мамлакатига юзланган эди” (Ибн Ҳавқал, 1994:380–381).

Ибн Хурдодбех: “Зоминдан Фарғонага қадар чўзилган йўл” номли махсус бобда Бурнамадан Зомингача тўрт фарсах, Зоминдан Ховосгача чўл оралаб етти фарсах, Зоминдан Соботгача икки фарсах, Уструшанагача эса тўққиз фарсах йўл босиш лозимлиги айтиб ўтган. У яна “Зомин – Шош, турклар ва Фарғонага олиб борувчи иккита йўл кесишган жойда” (Ибн Хурдодбех, 1927:203-206) эканини таъкидлаган.

Тадқиқотчи Е.К.Бетгернинг таъкидлашича, “Зомин нафақат Буюк Ипак йўлидаги шаҳар бўлибгина қолмай, маҳаллий ички карвон йўллари билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган. Буюк ипак йўлининг фаоллашиши карвон савдо йўлларини ободонлаштириш заруратини келтириб чиқарди. Бу иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан аҳамиятли бўлган кўплаб карвонсаройлар қурилишига олиб келди. Ана шундай карвонсаройлар Шимолий Уструшананинг транзит савдо йўлларида пайдо бўлганини тарихий манбалар ҳамда археологик тадқиқотлар тасдиқлайди. Ушбу қадимги карвонсаройлар, нафақат Уструшана ва Мавороуннаҳрнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларида, балки транзит савдонинг юксалишида ҳам муҳим роль ўйнаган. Карвонсаройлар қатор вазифаларни бажарганлар. Уларда савдо карвонлари қабул қилиниб, савдо кўргазмалари ташкил қилинган, савдо-сотик ва мол айирбошлаш ишлари амалга оширилган. Кўп ҳолларда карвонсаройлар қалъа, ҳарбий

турар жойи, омборхона ҳамда маънавий-маданий марказ вазифаларини ҳам бажарганлари кузатилган. Айрим карвонсаройларда савдогарлар озиқ-овқат, кўрпа-тўшак, уларнинг от уловлари эса ем-хашак билан таъминланиши йўлга қўйилган (Ғаниев К., 2019:319-321).

Зомин йўлларида бири Уструшана пойтахти – Бунжикатга олиб боради. Қизиқ томони шундаки, тарихчи-географларнинг таърифига кўра, Зомин йўли Собот орқали ўтган бўлса-да, Бунжикат дарвозаларидан бири Зомин номи билан аталган. Йўлнинг бир қисми Ўратепага олиб борган. Шимоли-ғарбдан икки кунлик йўл эса Дизак ва Харқонадан ўтган. Шунингдек, Буттам ва Панжикентга қараб тоғли йўл ҳам бўлган. Бу бежиз эмасди, зеро, у вақтларда Уструшанада темир қазииш ишлари авжи паллада эди. Уструшана темирдан ясалган қурол ва яроғлар жуда машҳур бўлиб, Хуросонда кенг фойдаланишган. Буттам тоғларида олтин, кумуш ва новшадил конлари кўп бўлиб, улардан олинган маҳсулотлар кўплаб мамлакатларга экспорт қилинган” (Грицина А., 2018:29).

XVII асрда ижод қилган тарихчи олим Маҳмуд ибн Валий таъкидлашича, “Зомин – Мовароуннаҳр вилоятларидан бўлиб, Самарқанд измида бўлган: у кўплаб қишлоқ ва овулларга эга, бешинчи иқлимдан. Ғоятда баҳаво жой бўлиб, ерларида ғалла, дон-дун ва ҳар хил мевалар фарқ пишади. У ердан кўплаб олимлар ва зиёли инсонлар етишиб чиққан” (Маҳмуд ибн Валий, 1977:48–49).

Сўнги йилларда Зомин шаҳри ўрнини аниқлаш борасидаги тадқиқотлар натижасида ҳозирги шаҳар ўрнида ҳам бир қатор ёдгорликлар (Қўрғонтепа, Ўрдатепа, Октепа, Жартепа) кўрсатиб ўтилади (Немцева Н., 1986:43-44). Тадқиқотчи А.А.Грицина мўғуллар истилоси арафасида 100 гектардан ортиқ худудни ташкил этган ўрта асрлар Зоминининг тарихий ўрнини аниқлаш юзасидан ўз фикрларини билдиради. У шаҳар арки жойлашган “янги шаҳар”ни Октепа ёдгорлиги ўрнига жойлаштиришни таклиф этади (Грицина А., 1992:43–44). Бугунги кунда Зомин ҳақидаги тадқиқотлар бироз олдинга силжиётган бўлса ҳам, унинг моддий ва маданий муаммоларини ўрганиш ҳалигача ўз долзарблигини йўқотмаган.

Уструшананинг учинчи катта шаҳри Дизакдир (Истахрий, 1927:380–381). Ёзма манбалар кўчманчи чорвадорлар яшаган чўл – “ўғизлар

юрти” билан чегарадош бўлган Фағнон рустоқи ва унинг асосий шахри Дизак ҳақида маълумотлар берадилар. Фағнон рустоқининг жойлашиш ўрни масаласида барча тадқиқотчилар ўртасида ягона фикр, унинг ҳозирги Жиззах шахри атрофидаги ҳудудларни ўз ичига олган (Негматов Н.,1953:243). Топономист олимлар Жиззах номини суғдча “Дизак” (“қалъача”) диз – “қалъа, истеҳком кўрғон”, ак – “ча” кичикликни билдирувчи кўшимча, деб таъриф берадилар (Дўсимов З., Эгамов Х. 1977:62).

Юнон солномачилари эса бу ҳудудни Газо деб атаб, уни алоҳида тилга оладилар. Археологлар Газо шахрининг ўрнини аниқ ва асосли тайин этмасалар-да, манбаларда уни Самарқанд ва Тошкент оралиғида жойлашгани айтилади (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Ж. 3. 2006:591). Юнонлар таъкидлаган Газони қадимий Жиззах деб тахмин қилиш мумкин.

Тадқиқотларда кўрсатилишича, Дизакда кўплаб карвонсарой ва меҳмонхоналар қурилган. Шаҳардан бир фарсах узоқликда жойлашган Худайсар карвонсаройи, меҳмонхона ва кўплаб уйлар бўлган. Дизак Шошнинг йўлидаги, Самарқанд билан Зоминнинг ўртасидаги шаҳар (Ёқут Ҳамавий, 1995:613). Дизакда Маросиманда деган жой мавжуд бўлган, у ер юз гектардан иборат бўлиб, ҳар йили у ерда бир маротаба катта савдо ярмаркаси ўтказилиб турилган. Атрофи тоғлар билан ўралган. Маросиманданинг яқинида Минг деган жой бўлиб, у ердан ҳозирга қадар темир қазиб олинади. “Худуд ал-олам” асарида қуйидагича таъриф берилди: “Дизак – шаҳарча, унда оқар сув бор. Унинг яқинида Маросиманда деган жой бор, унда бир йилда бир кун бозор бўлади ва ўша кун ул бозорда юз минг динор (миқдорида мол) савдо қилинади, дейдилар” (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004: 596). Бобур Мирзо: “Дизакда семиз этлар ва майда этмақлар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон ... очлик ибтилоидан халос бўлиб, амонлиғ роҳатига ва арзонлик фароғатига етуштук; ... уч-тўрт кун Дизакда истироҳат қилдук” (Захириддин Муҳаммад Бобур, 2002:86), деб ёзган.

Тадқиқотчи Е.К.Бетгернинг таъкидлашича, Уструшананинг маҳаллий савдо алоқалари халқаро савдо тизимидаги товарларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Манбаларда Уструшана томонидан мунтазам равишда савдо ярмаркалари уюштирилиб турилгани тез-тез

таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас, албатта. Ана шундай ярмаркалар ҳар ойнинг биринчи санасида Маросимандада ўтказилар, у ерга энг чекка ҳудудлардан сотувчи ва харидорлар тўпланар эди (Бетгер Е., 1957:22).

Илк ўрта асрларда жаҳон бозорида Дизакда тайёрланган жун ва тери маҳсулотларига талаб катта бўлган. VIII-IX асрларда кулоллар, заргарлар, аравасозлар каби маҳаллаларнинг мавжудлиги миллий ҳунармандчиликнинг ривожланганидан дарак беради (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004:599).

Тадқиқотчи А.Э.Бердимуродовнинг фикрича, Қалиятепа ёдгорлигида ўтказилган қазув тадқиқот ишлари натижасида, Дизак шахрининг ўрни мазкур ёдгорлик эканини таъкидлайди (Бердимуродов А., 1985:12). Тадқиқотчи М.Ҳ.Пардаев ҳам А.Э.Бердимуродовнинг фикрини тасдиқлаб, унга кўшимча равишда Дизак шахри ўрнига даъвогарлик қилаётган Қалиятепа шахристони, унга туташ бўлган Қизлартепа ёдгорлиги ва Ўрда шаҳар ҳаробаси ёдгорликларида тадқиқотларни кенгайтириш лозимлигини таъкидлайди. 1990 йил ўрталарида Қалиятепа шахристони шарқий ва жанубий дарвозаларига яқин ҳудудда стратиграфик қазув тадқиқотлари ўтказилади. Бу қазув ишлари натижасида Қалиятепада IX-XIII аср маданий қатлами мутлақо мавжуд эмаслиги аниқланди. Натижада Фағнон рустоқининг бош шахри Дизак араб истилосидан кейин Қалиятепадан 6 км шимоли-ғарбда жойлашган ўрдага кўчган деган хулосага келади (Пардаев М., 2012).

Ёзма манбаларда битилган Уструшанадаги энг йирик ва муҳим сиёсий ва маъмурий аҳамиятга эга бўлган шаҳарлардан бири бу Кирополдир. Мазкур шаҳар Ўратепадан бир мунча узоқ масофада ва нисбатан каттагина шаҳар бўлган. Шаҳар аҳолисининг Спитамен кўшинига қардош бўлгани ва ҳатто уни қўллаб-қувватлагани ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд. Шаҳарнинг тексликда, Суғдиёнага яқин ҳудудда бўлгани ва маълум стратегик аҳамиятга эгаллиги ҳам уни Александр Македонскийнинг қақшатқич зарбасига дучор этган. Юқоридагиларга кўра, кучли мимеканлар қабилиси яшаган еттинчи шаҳар Кирополь бўлган деб эътироф этиш мумкин (Арриан, 1984:104).

Киропольнинг тарихий жойлашган ўрни ҳақидаги баҳс ва мунозаралар бугунги кунга қадар мутахассислар орасида тортишувларга сабаб бўлиб келмокда. XX асрнинг 50-йилларида

Н.Н.Негматов бу масала юзасидан аввалги тадқиқотчиларнинг фикрларини ҳамда ёзма манбалардаги маълумотларни таҳлил этиб, тадқиқотчилар орасида мазкур масала юзасидан бир неча хил фикр мавжуд эканини таъкидлайди. Мазкур масала юзасидан В.В.Бартольд Кирополь – Шахристон, В.Чейлытко Кирополь – Куркат, В.Томашек, В.Шварц ва бошқалар Кирополь – Муғтепа (Ўратепа) деб фикр билдирадilar. Н.Н.Негматов юқоридаги барча тахминий фикрларни ўрганиб чиқиб, “Кирополь – Муғтепа” фикрини қўллаб қувватлайди (Негматов Н.Н., 1957:17–20). Бошқа баъзи тадқиқотчилар эса Н.Н.Негматовнинг “Кирополь – Муғтепа” ҳақидаги фикрига нисбатан бетараф муносабат билдириб, яъни бу фикрни рад этмаган ҳолда, тўла қўшилмай ҳам келмоқдалар (Грицина А., 1990:16).

XX асрнинг 60-йилларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Кирополь шаҳри деб даъво қилинаётган Муғтепа (Ўратепа) ёдгорлигида милодий эрадан олдинги IV-II асрларга оид маданий қатламлар аниқланди (Ранов В., Салтовская Е.Д., 1961:108–128). Лекин Н.Н.Негматов ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар томонидан Кирополь – Муғтепа фикри тез-тез таъкидлаб ўтилганига қарамай (Негматов Н., 1982:81), Муғтепа ёдгорлигида XX асрнинг 70–80 йилларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида бу ерда қадимий шаҳар белгиларини кўрсатадиган артефактлар топилмади ва бугунги кунгача бу масала очиқ қолмоқда (Рахимов Н., 1989).

XX асрнинг 80-йилларида аниқланган Нуртепа ёдгорлигининг тадқиқот ишлари бошланиши билан Т.В.Беляева томонидан “Кирополь - Нуртепа”, деган фикрига нисбатан олимлар ўртасида хайрихоҳлик пайдо бўла бошлади (Беляева Т., 2002:82–84).

Археологик олим М.Х.Пардаев ва Б.Тўйчибоевлар мазкур масала юзасидан қуйидагича фикр билдирадilar: “Биз бу муаммо юзасидан олиб борилган тадқиқотлар жараёнини кузатиш асосида, тадқиқотчиларнинг Кирополь ўрнига даъво қилаётган “Кирополь – Ўратепа” (Негматов Н.Н.), “Кирополь-Куркат қишлоғи атрофидаги ёдгорликлар” (Ширин, Чигмойтепа Грицина А.А.) фикрларини инкор этмаган ҳолда, “Кирополь - Нуртепа” (Беляева Т., 2002) фикрини энг асосли, деб ҳисоблаймиз ва бу фикрга ўз хайрихоҳлигимизни билдирамиз.

Албатта, бизнинг бу фикримиз юқоридаги муҳим муаммо юзасидан билдирилган якуний хулоса эмас. Шундай экан, бу муаммонинг узил-кесил ечимини келажакда ёдгорликларда давом этирилиши лозим бўлган археологик тадқиқотлар ва муаммонинг махсус ўрганилишига бағишланган изланишларга ҳавола этилади” (Пардаев М.Х., 2017:56).

Ёзма манбаларда қайд этилишича, Ховос Самарқанднинг тепасидаги Уструшана минтақасига тааллуқли шаҳарчадир. У Уструшананинг текистлик-чўл зонасида жойлашган бўлиб, ёзма манбаларда асосан карвон йўлларининг кесишган жойидаги манзилгоҳ сифатида зикр қилинади. Ховос Шош йўлида жойлашган бўлиб, Зомингача олти фарсах (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000:643).

Тадқиқотчи М.Е.Массон ва Н.Н.Негматовлар қадимги Ховос шаҳарчаси ўрни деб, ҳозирги Ховос тумани маркази яқинидаги Эски Ховос ёдгорлиги ўрнини кўрсатиб ўтадилар (Массон М.Е., 1935:41). Ховос ҳақида ёзма ва археологик манбаларда маълумотлар жуда қисқа ва чекланган бўлгани сабаб, шаҳарча ва унга тааллуқли ҳудудлар ҳақида тўлиқ маълумот беришнинг иложи йўқ.

Уструшанадаги яна бир кичкина шаҳарча бу Хушкатдир. X асрнинг охири – XI асрнинг биринчи ярмида Уструшанадан Шошга иккита йўл Сирдарё бўйлаб Ховос орқали Самарқанд – Зомин – Ховос – Бинокат йўналишида фаолият юритган. Бу йўл IX-X асрларда “Эски Бинокат йўли” деб номланган. Ушбу йўлда Ховосдан чиққан карвон Сирдарёнинг чап қирғоғи бўйлаб бориб, Бинокат шаҳри рўпарасидаги кечув орқали Шошга ўтган. Кечув муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу сабабли унинг чап қирғоғида Бинокатнинг қарама-қарши томонида (ҳозирги Сирдарё вилоятининг Сайхунобод тумани Нурота қишлоғида) Хушкат шаҳарчаси қад кўтарган.

Шаҳар уч қисмдан – Арк (7,5 гектар), шаҳристон (40–45 гектар) ва работдан иборат бўлган. Арк ва работ қисмлари бузиб юборилган, фақатгина шаҳристон қисмидан 7,5 гектар жой қабристон бўлгани сабабли сақланиб қолган. Шаҳарда ҳаёт IX аср охириларида бошланган ва XVI асрнинг биринчи ярмигача давом этган.

X асрга оид маданий қатламлар арк ҳудудида учрайди. Ушбу даврда Хушкат кулоллари Шош учун хос бўлган илк сирланган сопол ишлаб чиқаришни ўзлаштиришган. Бу нарса дастлабки

хушкатликлар бу ерга Шошдан, аникроғи, дарёнинг нариги қирғоғидаги Бинокетдан келишган бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр билдиришимизга асос бўлади. Буюк ипак йўли бўйида жойлашгани, шунингдек, Шошга ўтувчи кечувда жойлашгани сабаб шаҳар тез ривожланади. Шаҳар аҳолисининг бир қисми қайиқчилик билан шуғулланган.

XI аср бошларида Хушкат қорахонийлар давлати таркибида бўлган. Ёдгорликдан ушбу даврга оид пишиқ ғиштлар, қорахонийларнинг Шошдаги илоқхони томонидан 394/1004 йили Бинокатда зарб этилган мис тангалар, сопол буюмлар топилган. Ушбу даврга оид сопол буюмлар бугунда ҳам қабр қавлаш жараёнида кўплаб учрайди. XIV асрда яшаган Абул Фиданинг маълум қилишича, Зоминдан Ховос орқали Банокатга олиб борувчи йўл ёқасида Хушкат шаҳарчаси фаолият кўрсатган. Шаҳарча 616/1219 йили мўғуллар томонидан вайрон этилган. 793/1391 йили Амир Темур томонидан қайта тикланган. Улуғбек даврида Хушкат қарвон йўлидаги муҳим шаҳар ҳисобланган. 909/1503 йили шаҳар Шайбонийхон томонидан босиб олинади (Грицина А., 2018:30).

Ўрта асрда шимолий Уструшананинг дашт ҳудудлари қишлоқларидан бири Сobot бўлиб, у Зоминдан наридаги Суғд, Хўжанд, Фарғона, сўнг Хитойга элтувчи савдо йўли устидаги аҳоли манзилгоҳи ҳисобланган. Ўрта аср тарихчи, географлари томонидан Сobot ҳақида маълумотлар берилгани, бу унинг свдо йўлидаги муҳим аҳамиятидан далолат беради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, араб босқинидан кейин Ўрта асрлардаги Сobotнинг жойлашган ўрни “эски шаҳар”да ҳаёт бир мунча вақт тўхтагани ва фақатгина XI-XII асрларга келиб, унинг “янги” шаҳарга туташ бир қисмида ҳаёт жонлангани қайд этилади. Сobot қишлоғини Хўжамушкентсой ҳавзасига ва унинг марказини Култeпа шаҳристони ўрнига жойлаштириш, ҳозирги Сobot номининг сақланиб қолгани археологик манбалар асосида мустаҳкамланган фикр бўлиб, Бунжикет ва Зомин шаҳарлари оралиғидаги масофаларга мос тушиши ҳам бу фикрни исботлайди (Грицина А., 1994:40–49).

Тадқиқотчи А.Мухаммаджонов манзилгоҳнинг этимологиясига тўхталиб, Сobot учта йўл чорраҳасида жойлашгани боис, қишлоқ номини “Себат” (“уч қарвонсарой”) сифатида талкин этади (Мухаммаджонов А., 1991:63).

Аmmo маҳаллий аҳоли қишлоқ номини “Сават” номини новда ё қамишдан ясалган сават ёки кафас каби “тўқима сават” сифатида талкин қилади.

Араб тарихчи-географ сайёҳлари томонидан айрим тафсилотларгина келтириб ўтилган бўлиб, ўрта асрлар Сobotи Уструшананинг кам сонли манзилгоҳларидан биридир. Хусусан, шаҳарда оқар сув борлиги, уни боғлар ўраб тургани қайд этилади. Ёкут ал-Ҳамавий маълумотларига кўра, Сobot – Самарқанддан йигирма фарсах, Хужанддан ўн фарсах масофада жойлашган. Ибн Хурдодбeх маълумотларига кўра, Сobotдан Уструшанагача етти фарсах бўлган, бунинг устига, улардан икки фарсахи текслик бўлиб, беш фарсахи эса шаҳар томонидан оқувчи дарё оқимида тескари йўналишда бўлган (Ибн Хурдодбeх, 1986:65).

Археолог тадқиқотчи А.А.Аскарлов ва Ю.Ф.Буряковларнинг фикрча, Сobotдан Ховос ва ундан сўнг Шошга бормоқчи бўлганлар учун ҳам йўл бўлган. У ҳақидаги қайдлар Ибн Қудоманда учрайди. Афтидан, дастлаб у катта шарқий йўл билан устма-уст тушган, кейин Мозорбоботепа ёнидан ўтиш жойида шимоли-шарққа бурилган, бу ерда ичимлик суви манбаи бўлган. Кейин йўл Шўрбулоксой манзилгоҳлари ва қалъалари бўйлаб йўналган ва Ховосга олиб чиққан (Аскарлов А., Буряков Ю.Ф., 1990:31).

Сомонийлар даврида Сobot илк феодал давридаги Сobotга нисбатан шимолроқда жойлашиб, унинг ҳудуди қисман қуршаб олган. Бу даврдаги Сobot ҳудудининг қайта жонланиши, танга топилмаларидан келиб чиқилса, XI асрнинг ўрталаригача давом этган. Шундан сўнг, у қаровсиз қолади ва XII-XIII аср бошларидан бу ер қорахонийлар даври қабристонига айлантиради. Кейинчалик, илк ўрта асрларга мансуб истeҳкомдан яна фойдалана бошланади. Сobot гавжум савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани боис кўплаб бозорлар ва қарвонсаройлар бор эди. Сobot Уструшанада ягона тимли бозори билан машҳур бўлган. Ҳашаматли меъморчилик қолдиқлари, зиндон, юқори сифатли идишлар мавжудлиги боис, бу ерда Сobotнинг қорахоний ҳукмдорлари саройи бўлганини тахмин қилиш мумкин. XIII аср бошида шаҳарда ҳаёт яна тўхтаб қолади ва темурийлар давридаги Сobot ўз жойини Хўжамушкентсойнинг ўнг қирғоғига (Мойтепа) кўчиради (Грицина А., 2018:71–72).

Уструшана билан Самарканд чегарасидаги шаҳарча – Худайсардир (خدایسر). Худайсар Дизакнинг шимолидан икки фарсах масофада жойлашган. Уструшана VIII-IX асрнинг биринчи чорагида араб халифалигига, сўнгра сомониёларга қарам бўлган бўлса-да, воҳанинг шимолий тарафидаги даштда яшаётган кўчманчи чорвадорларнинг чорва озукаси учун ҳар йили феврал-март, октябр-ноябр ойларида Уструшанага талончилик ҳужумлари уюштириши одатий ҳолга айланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам Дизакнинг шимолий чегара худудидаги Худайсар қишлоғида бутун Моварауннаҳрда улкан ҳисобланган ҳарбий истехком қўрғони барпо қилиш зарурати туғилади. Худайсар афшин Ҳайдар ибн Қовус томонидан 199/815-204/820 йилларда Маросиманданинг ёнида мамлакатни душманлардан ҳимоя қилиш мақсадида беш йил давомида қурилган. Ёзма манбалар “Худайсар работи ўртасида булоқлар бор, унинг атрофида вақф ерлари жойлашган”, деб маълумот беради (Ёқут Ҳамавий, 1988:399).

Худайсар шаҳарчаси ва йирик зодагон Бадр Қушайр қурдирган Ҳасан карвонсаройларининг довуғи Шимолий Уструшанадан ўтган транзит карвон йўлида кучли бўлган. Ёқут Ҳамавий Худайсарни Уструшананинг чегара зонасида жойлашган шаҳар деб таърифлаган (Буряков Ю., 2006:146-147).

Ўрта аср араб манбаларида Шовкат Уструшананинг қишлоқларидан бири деб таърифланади. У Куркат, Урқанд, Гулукандоз қишлоқларидан уч фарсах, Хўжанддан тўрт фарсах ва Соботдан олти фарсах масофада жойлашгани ҳақида маълумотлар берилади (Абу Ҳафс Насафий, 1991:410-411).

Тадқиқотчи В.Томашек Шовкат қишлоғини Ховосдан шимолга, Шошга олиб борувчи йўлга жойлаштиради. Н.Н.Негматов эса бу фикрни рад этиб, уни Нов ва Куркат оралиғига жойлаштиришни таклиф этади. Яъни, Шовкат қишлоғи Оксув (Тағояксой) дарёси воҳасида жойлашган бўлиб, ғарбда Куркат қишлоғи, шарқда Дихмой ва Хитойреза қишлоқлари, шимолда Сирдарё, жанубда Қизили қишлоғига қадар бўлган худудларни ўз ичига олган (Негматов Н., 1957:41-43).

Ўрта аср араб муаррихлари Уструшананинг Дизакка яқин жойдаги қишлоқларидан бири Харқонадир, дейдилар. Харқонадан Дизакгача тўрт фарсах, Абу Аҳмад работидан икки фарсах, Самарқандгача саккиз фарсах, Зомингача тўқ-

қиз фарсах масофада жойлашган. У ерда ўз замонасида маълум ва машҳур бўлган Харқон работи бўлган, деган маълумотлар билан чекланадилар⁵.

Тадқиқотчи Н.Н.Негматов Харқона қишлоғини Ғаллаорол ва Куропаткино темир йўл станциялари атрофида жойлаштиради. (Негматов Н., 1957:39).

А.Бердимуродов Харқонани Ножкент шаҳрини Қўрғонтепа ёдгорлигидан 15-18 км масофа жанубда жойлашган Ножкент қишлоғи ўрнига жойлаштиришни таклиф этади (Бердимуродов А., 1985:12). Тадқиқотчи Э.Б.Қодиров Харқонани Қўрғонтепа ёдгорлигини ўрнига жойлаштиради (Қодиров Э., 1979:553). Аммо ҳеч бир тадқиқотларда Харқона ўрнини аниқ белгиланмаган. Келажакда тадқиқотчилар томонидан Харқона ҳақидаги чекланган маълумотлар бойитилиб, унинг ўрта асрларда аҳоли зич жойлашган, бой моддий маданиятга эга худудлардан бири бўлганини очиқ берилади.

Шунингдек, ўрта аср араб манбаларида Уструшананинг Санжафин, Сурхакат, Хушуфағн, Ножоникас ёки Ножкат, Ёркас, Боркас, Шибла, Камаржа, Ширакас, Қатавон, Навқад, Губдин, Усманд, Бурнамад каби қишлоқлари ҳақида қисқа маълумотлар бериш билан чекланилган. Бу қишлоқлар Уструшананинг Самарқанд яқинида жойлашган бўлиб, кейинчалик Самарқанд худудига қараган (Ёқут Ҳамавий, 1995:365). Хусусан, Қатавон қишлоғи ҳақида кенгрок маълумот берилган. Истахрий ва Самъонийлар бу қишлоқ ҳақида шундай ёзади: “Уструшананинг Самарқанд яқинидаги қишлоқларидан бири. Боркасининг шимол томони Абу Аҳмад работидан икки фарсах ва Самарқанддан беш фарсах масофада жойлашган. Бу қишлоқни Қатавон диза – “Қатавон қалъаси”, деб ҳам аташади. Қатавон қишлоғида Аҳмад Зоҳид Ховосий томонидан қурилган работ бўлиб, у Самарқандгача етти фарсах масофада жойлашган. У ер кўп мусулмонлар қатл қилинган жой бўлиб, шаҳидлар қабристонини бўлган. У ерга зиёратчилар бориб, икки кеча қолганлар” (Истахрий, 1927:336).

Шунингдек, ўрта аср араб манбаларида Бурнамад қишлоғи ҳақида ҳам кенгрок маълумот берилган. Бурнамаднинг луғавий маъноси “буғла-ниш” сўзидан олинган. Баъзи бир манбаларда Бурнамаз ҳам дейилиб, у ўзининг кўплаб

⁵ Xirqona – Dizik yaqinidagi Usturshon qishloqlaridan biri. (“Masalik al-mamluk” -۳۴۳bet, -۳۳۶bet, “Al-Ansob” ۴۰۰/۲, “Al-Qand fi zikr ulamolari Samarqand”, -۷۰۲bet, “Mamlakatlar lug’ati” ۳۶۰/۲).

булоқлари билан машхур. Бурнамад Дизакдан Зоминга борадиган савдо йўлида жойлашган бўлиб, Ибн Хурдодбехнинг ёзишича, у Саъд работининг ғарбига икки фарсах, Хушуфағнғача беш фарсах ва Зомингача тўрт фарсах масофада жойлашган (Истахрий, 1927:203).

Тадқиқотчи Н.Н.Негматов Бурнамад қишлоғини Нужкент қишлоғининг шимолига жойлаштиради. Бу ҳозирги Равотсой ирмоқларини ўз ичига олувчи Кўрпа, Қудуқча ва Равот қишлоқлари атрофидаги тоғ ва тоғолди ҳудудидир (Негматов Н., 1957:24). Ю.Ф.Буряков Бурнамад қишлоғини ғарбий Уструшанадан ўтган қарвон йўллари тармоғини ўрганар экан, Равот қишлоғи яқинидаги шахристон ўрнига жойлаштиради (Буряков Ю., 1992:178–189). А.А.Грицина ҳам Бурнамад қишлоғи Равотсой ҳавзасида бўлган, деб эътироф этади (Грицина А., 2000:149–153). Юқоридаги тадқиқотчиларнинг изланишларига қарамай, ёзма манбаларда жуда қисқа маълумотлар берилгани учун бу қишлоқ ўрнини аниқ белгилаш имкони йўқ.

Ўрта Осиёда мўғуллардан кейинги феодал жамиятининг ривожланиши даврида сезиларли иқтисодий, иқтисодий ва маданий юксалиш кузатилди. Вақат кичик, оддий шаҳарчадан катта шаҳарга айлантирилди. Кейинги асрлар ёзма манбаларида Вақат янги ном Ўратепа (هپت هروا), деб юритила бошланди. Араб ва форс географлари ва саёҳатчилари Уструшананинг шаҳар ва манзилгоҳлари ҳақида кўплаб маълумотлар берадилар. “Ўратепа” сўзини ишлатган биринчи тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ҳисобланади (Абдураззоқ Самарқандий, 1969). Шунингдек, Муҳаммад Солихнинг XV аср охири ва XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё тарихи, географияси, этнографияси ва маданиятини ўз ичига олган “Шайбонийнома” ва XVI асрда яшаган Бухоро солномачиси, тарихчи Ҳофизи Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳи” номли асарларида Ўратепа шаҳрининг жойлашуви ва унинг баъзи ёдгорликлар ҳақида маълумотлар берилди (Муҳаммад Солех, 1997).

НАТИЖА

Кўриб чиқилган материалдан XV-XVI асрлар Ўратепанинг сезиларли юксалиш даври бўлгани келиб чиқади. Шу билан бирга, Ўратепа деб номланган шаҳар бир қатор ёзма манбаларда пайдо бўлади ва уларда жуда муҳим аҳоли

пункти сифатида намоён бўлади. Ўратепа йирик савдо йўлларида туташган жойида жойлашган ва унинг бозорлари маҳаллий ишлаб чиқарилган ва турли узоқ ва яқин мамлакатлардан етказиб бериладиган товарларни сотишган.

Айрим манбаларда Уструшана – Истаравшан деб юритилиб, у Тожикистон Республикаси Суғд вилоятидаги Ўратепа шаҳри деб ҳам талқин этилади. Тадқиқотчи А. Мухторов “Очерки истории Ура-Тюбинского владения в XIX в.” асарида “Уструшана Тожикистоннинг қадимий шаҳарларидан биридир. Археологик маълумотлардан маълум бўлишича, шаҳарнинг барпо этилиши милoddан аввалги VI асрга тўғри келади. Истаравшан илк ўрта асрларда (V-X асрлар) Марказий Осиёдаги Уструшана тарихий-географик вилояти таркибига кирган”, деган фикрни илгари суради. (Негматов Н., 1962:7-25).

Аммо бундай талқин Ибн Ҳавқал, Истахрий, Макдсий, Ибн Хурдодбех, Ибн Факих, Абу Саъд Самъоний, Ёқут Ҳамавий сингари қатор ўрта аср географ олимларининг асарларида келтирилган маълумотларга мутлақо тўғри келмайди. Араб географ олимларидан Истахрий Уструшанани Суғд каби ўлка, Ибн Ҳавқал ва Макдсийлар кенг майдон, Масъудий катта вилоят, Беруний юрт, Аҳмад Котиб мамлакат, дейдилар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида Ўратепа ҳақида шундай ёзади: “Фарғона, Хўжанд ва Ўратепаким, асл буларнинг отлари китобларда Уструшнадир ва Уструш ҳам битирлар, қолдилар” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур, 2002:38). Бобур ўз асарида Фарғона, Хўжанд ва Ўратепа ҳудудлари Уструшана минтақасига тегишли эканини кўрсатмоқда. Бобурномада Ўратепа номи ўн саккиз марта учрайди (Негматов Н., 1957:157).

Шунингдек, XVII асрда яшаган ўртаосиёлик олим Маҳмуд ибн Валий ўзининг “Баҳр ал-асрор фи манокиб ал-ахёр” номли тарихий-географик асарида Ўратепа деб мурожаат қилган (Маҳмуд ибн Валий, 1977:55). Агар ўша даврларда Ўратепа Уструшана деб номланганида, Бобур ҳам, Маҳмуд ибн Валий ҳам ушбу шаҳарни Уструшана номи билан тилга олган бўлар эди.

Тожикистон ҳукумати 2002 йилдан бошлаб Ўратепа шаҳрини Истаравшан, деб номлади. Юқорида таъкидланганидек, Уструшана ғарб томондан Самарқанд ҳудуди, шимол томондан Шош воҳаси ва Фарғонанинг айрим ҳудуди, жануб томондан Кешнинг озгина қисми,

Сағаниён, Шумон, Вошғирд ва Рошт худуди, шарқ томондан Фарғона ерлари билан туташиб кетган катта бир вилоят бўлган. Уструшана худудига hozirги Ўзбекистон Республикасининг Жиззах, Сирдарё вилоятлари, Тожикистон Республикасининг Ўратепа, Хўжанд вилоятлари ва Қирғизистон Республикасининг Лайлак туманлари тўғри келади.

ХУЛОСА

Ўрта асрларда Уструшана тараққий этган худудлардан бўлгани боис бу ўлкага араблар, форслар ва хитойликлар катта қизиқиш билан қараган. Тарихий биографик асарларда ҳамда Хитой йилномаларида мазкур худуднинг махсус қайд этилгани унинг ўз даврида катта мавкега эга бўлганидан дарак беради.

Ёзма манбалар, археологик ва монументал санъат маълумотлари, этнографик материалларни ўрганиш шуни кўрсатдики, Уструшананинг географик номлари турли хил тарихий шароитларда, маълум бир худудда жамият ривожланиши ва аҳолининг худудга йўналтириш қулайлиги учун худудни, табиий объектларни номлаш зарурати туфайли пайдо бўлган.

Уструшана жой номларининг қўшилиши ва трансформациясининг тўрт босқичи мавжуд. Биринчи босқич қадимги даврга тегишли. Дастлабки қадимий шаҳарлар милоддан аввалги VI асрда пайдо бўлган бўлса, милоддан аввалги IV асрга келиб Александир Македонскийнинг истилolari ва юнон-македонларнинг кўчирилиши билан жой номларининг ўзгариш жараёни бошланади. Баъзи ҳолларда эски номлар бутунлай янгилари билан алмаштирилди. Иккинчи босқич араблар истилоси даврига тўғри келиб, араблар яшайдиган худудларда Уструшана аҳолисининг нафақат маданий қадриятлари йўқ қилина бошлаган, балки географик номлари ҳам ўзгартирилган. Учинчи босқич, суғдча номлар билан бирга тожикча номлар ҳам пайдо бўла бошлади. Шу билан бирга Суғд жой номлари XIII асргача, айниқса тоғли худудларда вужудга келган. Тўртинчи босқич XII аср бошларидан бошланади, яъни, Сомонийлар давлати қулаганидан ва Марказий Осиёнинг бутун худудини туркийзабон халқлар босиб олганидан бери. Турклар томонидан Уструшана худудларининг оммавий жойлашиш жараёни бошланиб, бу топонимларнинг трансформациялашувини кескинлаштирди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурроҳман Абул Ҳасан Жавзий. (2006). Қоҳира: Мактаба ал-Азҳарийя лит турос.
2. Абу Жа‘фар Муҳаммад ат-Табарий. (1999). Тафсири ат-Табарий. Ж. XII. Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмия.
3. Ранов В.А., Салтовская Е.Д. (1961). О работах Ура тюбинского отряда в 1959 г. // АРТ. Вып. VII. – Душанбе.
4. Малявкин А.Г. (1989). Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск: Наука.
5. Ҳайдаров Ҳ. (1992). Жиззах тарихидан лавҳалар. Тошкент: Мехнат.
6. Ибн Ҳавқал. (2011). Китоб сурат ал-ард. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.
7. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. (2006). Мавераннахр на Великом шелковом пути / Отв. ред. К.И.Ташбаева. Самарканд.
8. Пардаев М.Х., Тўйчибоев Б.Б. (2017). Уструшона қадимда ва илк ўрта асрларда (Ёзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент: “Fan va texnologiya”.
9. Абулқосим Убайдуллох ибн Абдуллох Ал-Истахрий. (1927). Китаб масолик ал-мамолик. Madina.
10. Фрейман А.А. (1962). Согдийские документы с горы Муг. // Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. Вып. 1. Москва: Восточная литература.
11. Бартольд В.В. (1963). Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. в 9 т. Москва.
12. Абдуллох Муҳаммад ибн Муфлиҳ ал-Макдисий. (1999). ал-Адаб аш-Шариа. Қоҳира: Муассаса ар-рисала.
13. Ғойибов Б. (2010). Панч ҳокимлигида бошқарув тизими. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. 2-илмий тўплам. Тошкент: ТошДШИ.
14. Ғаниев К. (2019). Буюк ипак йўлидаги шимолӣ Уструшона шаҳарлари тарихидан. “Қадимий Жиззах воҳаси. Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт)” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, “VNESHINVESTPROM” нашри.
15. Грицина А.А. (1990). Северная Уструшана в середине 1 тыс. До н.э. - в. н.э. (археолого-топографическое исследование); АКД. Самарканд.
16. Грицина А.А., Кочнев Б.Д. (1994). Древний Заамин. Тошкент: Фан.
17. Грицина А.А. (2018). Қадимий Зомин. Тошкент: Muharrir nashriyoti.
18. Грицина А.А. (2000). Уструшанские были. Тошкент: Издательство народного наследия им. А.Кадыри.
19. Убайдуллох Ибн Хурдодбех. (2003). Китаб масолик ал-мамолик. Байрут: Дорул китаб ал-Илмийя.

20. Убайдуллох Ибн Хурдодбех. (1986). Книга путей и стран. Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели Н.Вилихановой. Баку.
21. Пардаев М.Х., Фофуров Ж.И. (2012). Ёқубботтепа ёдгорлигида олиб борилган таджикотлар хусусида. // Ўзбекистонда археологик таджикотлар. Самарқанд.
22. Бердимуратов А.Э. (1985). Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД. Москва.
23. Бетгер Е.К. (1957). Извлечение из книги “Пути и страны” Абу-л-Касима ибн Хаукаля. // Труды САГУ. Вып. СХІ. Тошкент.
24. Махмуд ибн Валий. (1977). Море тайн. Перевод Б.А. Ахмедова. Тошкент: Фан.
25. Ёкут Ҳамавий. (1988). Муъжам ал-булдон. Байрут.
26. Мухаммад Солех. (1927). Шайбонинома. Ташкент.
27. Негматов Н.Н. (1957). Усрушана в древности и раннего средневековья. Сталинабад.
28. Негматов Н.Н., Салтовская Е.Д. (1962). О работах Ходжентского-Усрушанского отряда в 1960 г. / АРТ. Вып. VIII. Душанбе.
29. Негматов Н.Н. (1982). Культура первобытной эпохи Таджикистана. / Таджикистан пути к урбанизации. Душанбе. Дониш.
30. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. (1991). ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форёбий таҳрири остида. Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар.
31. Абдураззоқ Самарқандий. (1969). Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаул баҳрайн. Тошкент.
32. Массон М.Е. (1935). Проблемы изучения цистерн сардобо. Ташкент.
33. Кудратов Б. (2010). Усрушана қадимги ва ўрта асрлар ёзма манбаларида // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. 2-илмий тўплам. Тошкент: ТошДШИ.
34. Беляева Т.В. (2002). Нуртепа-Кирополь. / Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. Тошкент.
35. Аскарлов А.А., Буяков Ю.Ф. (1990). Археологические работы 1989 года в Узбекистане и задачи исследований по программе “Шелковый путь – путь диалога народов” // ОНУ.
36. Немцева Н.Б. (1986). Дресвянская Г.Я. Памятники Замина его округе. (К археологической карте Северной Усрушаны). // ИМКУ. Вып. 20. Ташкент. Фан.
37. Грицина А.А. (1992). К локализации и исторической топографии Замина. // Средняя Азия и мировая цивилизация. Ташкент. Фан.
38. Дўсимов З., Эгамов Х. (1977). Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи.
39. Заҳириддин Мухаммад Бобур. (2002). Бобурнома / Нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов. Тошкент: Шарқ.
40. Мухаммаджанов А.Р. (1991). К этимологии топонимов “Собот” и “Рабат” (К изучению рабатов на торговых путях) // Города и караван-сарай на трассах Великого шелкового пути. Тезисы докладов. Ургенч.

REFERENCES

1. Abdurrahman Abul Hasan Jawzi. (2006). Cairo: Maktaba al-Azhariyya lit-turath.
2. Abu Ja'far Muhammad at-Tabari. (1999). Tafsir at-Tabari. Vol. XII. Beirut: Dar al-kutub al-'ilmiyya.
3. Ranov V.A., Saltovskaya Ye.D. (1961). O rabotah Ura tyubinskogo otryada v 1959 g. // ART. Vol. VII. Dushanbe.
4. Malyavkin A.G. (1989). Tanskiye khroniki o gosudarstvah Syentralnoy Azii. Novosibirsk: Nauka.
5. Haydarov H. (1992). Jizzakh tarikhidan lavhalar. Tashkent: Mehnat.
6. Ibn Hawqal. (2011). Kitab surat al-ard. Tashkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” state scientific publishing house.
7. Buryakov Yu.F., Grisina A.A. (2006). Maverannahr na Velikom shelkovom puti / Otv. red. K.I.Tashbayeva. Samarqand.
8. Pardayev M.H., Toychiboyev B.B. (2017). Ustrushona qadimda va ilk o‘rta asrlarda (Yozma va arxeologik manbalar asosida). Tashkent: “Fan va texnologiya”.
9. Abulqasim Ubaydullah ibn Abdullah Al-Istakhri. (1927). Kitab masalik al-mamalik. Medina.
10. Freyman A.A. (1962). Sogdiyskiye dokumenty s gory Mug. // Opisanie, publikatsii i issledovaniye dokumentov s gory Mug. Vip. 1. Moscow: Vostochnaya literatura.
11. Bartold V.V. (1963). Turkestan v epohu mongolskogo nashestviya // Vol.9. Moscow.
12. Abdullah Muhammad ibn Muflih al-Maqdisi. (1999). al-Adab ash-Sharia. Cairo: Muassasa ar-risala.
13. Ghoyibov B. (2010). Panch hokimligida boshqaruv tizimi. Markaziy Osiyo tarixi: manbashunoslik va tarixnavislik izlanishlari. 2nd scientific collection. Tashkent: TashDSHI.
14. Ghaniyev K. (2019). Buyuk ipak yo‘lidagi shimoliy Ustrushona shaharlari tarixidan. “Qadimiy Jizzax vohasi. Markaziy Osiyo sivilizatsiyasi tizimida (siyosiy, iqtisodiy, madaniy hayot)” mavzuidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Tashkent, “VNESHINVESTPROM” nashri.
15. Grisina A.A. (1990). Severnaya Ustrushana v seredine I tys. Do n.e. - v. n.e. (arheologo-topograficheskoye issledovaniye); AKD. Samarkand.
16. Grisina A.A., Kochnev B.D. (1994). Drevniy Zamin. Tashkent: Fan.
17. Grisina A.A. (2018). Qadimiy Zomin. Tashkent: Muharrir publishing house.
18. Grisina A.A. (2000). Ustrushanskiye byli. Tashkent: Izdatelstvo narodnogo naslediya im. A.Kadyri.
19. Ubaydullah ibn Xurdadbeh. (2003). Kitab masalik al-mamalik. Beirut: Darul kitab al-Ilmiyya.
20. Ubaydullah ibn Xurdadbeh. (1986). Kniga putey i stran. Perevod s arabskogo, kommentarii, issledovaniye, ukazateli N.Vilikhhanovoy. Baku.

21. Pardayev M.H., Ghofurov J.I. (2012). Yoqubbobotepa yodgorligida olib borilgan tadqiqotlar hususida. // O'zbekistonda arxeologik tadqiqotlar. Samarqand.
22. Berdimuradov A.E. (1985). Rannesrednevekoviye arheologicheskiye pamyatniki Djizakskogo oazisa. AKD. Moscow.
23. Betger Ye.K. (1957). Izvlecheniye iz knigi "Puti i strany" Abu-l-Kasima ibn Xaukalya. // Trudy SAGU. Vip. CXI. Toshkent.
24. Mahmud ibn Wali. (1977). More tayn. Perevod B.A. Ahmedova. Tashkent: Fan.
25. Yaqut Hamavi. (1988). Mu'jam al-buldan. Beirut.
26. Muhammad Salih. (1927). Shaybaninama. Tashkent.
27. Negmatov N.N. (1957). Ustrushana v drevnosti i rannego srednevekovye. Stalinabad.
28. Negmatov N.N., Saltovskaya Ye.D. (1962). O rabotah Xodjentskogo-Ustrushanskogo otryada v 1960 g. / ART. Vip. VIII. Dushanbe.
29. Negmatov N.N. (1982). Kultura pervobitnoy epohi Tadjikistana. / Tadjikistan puti k urbanizatsii. Dushanbe. Donish.
30. Abu Hafs Umar ibn Muhammad an-Nasafiy (1991). al-Qand fi zikri ulamai Samarqand / edited by Nazar Muhammad al-Faryabi. Saudi Arabia: Maktabat al-Kawthar.
31. Abdurazzaq Samarqandi. (1969). Matla' as-sa'dayn wa majma' al-bahrayn. Tashkent.
32. Masson M.Ye. (1935). Problemy izucheniya sistem sardobo. Tashkent.
33. Qudratov B. (2010). Ustrushana qadimgi va o'rta asrlar yozma manbalarida // Markaziy Osiyo tarixi: manbashunoslik va tarixnavislik izlanishlari. 2nd scientific collection. Tashkent: TsshDSHI.
34. Belyayeva T.V. (2002). Nurtepa-Kiropol. / O'rta Osiyo arxeologiyasi, tarixi va madaniyati. Toshkent.
35. Asqarov A.A., Buryakov Yu.F. (1990). Arxeologicheskiye raboty 1989 goda v Uzbekistane i zadachi issledovaniy po programme "Shelkoviy put – put dialoga narodov" // ONU.
36. Nemseva N.B. (1986). Dresvyanskaya G.Ya. Pamyatniki Zamina yego okruge. (K arheologicheskoy karte Severnoy Ustrushany). // IMKU. Vip. 20. Tashkent. Fan.
37. Grisina A.A. (1992). K lokalizatsii i istoricheskoy topografi Zamina. // Srednyaya Aziya i mirovaya sivilizatsiya. Tashkent. Fan.
38. Dosimov Z., Egamov X. (1977). Joy nomlarining qisqacha izohli lughati. Tashkent: Oqituvchi.
39. Zahiriddin Muhammad Bobur. (2002). Boburnoma / Edited by S. Hasanov. Tashkent: Sharq.
40. Muhammadjanov A.R. (1991). K etimologii toponimov "Sobot" i "Rabat" (K izucheniyu rabatov na targovyh putyax) // Goroda i karavan-sarai na trassah Velikogo shelkovogo puti. Tezisy dokladov. Urgench.

